

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 02/30.12.2019.К/В.37.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

АМАНОВА ГУЗАЛ ИКРОМОВНА

**ЖАНУБИЙ ОРОЛҚУМДА ТАРҚАЛГАН *NITRARIA SCHOVERI* L.
ЎСИМЛИГИНИНГ КИМЁВИЙ ТАРКИБИ ВА *IN VITRO* ШАРОИТИДА
КУЧЛИ ШЎРЛАНИШ МУҲИТИГА АДАПТАЦИЯЛАШ
БИОТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.10 – Биоорганик кимё

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии по
биологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on biological sciences**

Аманова Гузал Икромовна

Жанубий Оролқумда тарқалган *Nitraria schoberi* L. ўсимлигининг кимёвий таркиби ва *in vitro* шароитида кучли шўрланиш муҳитига адаптациялаш биотехнологияси..... 3

Аманова Гузал Икромовна

Химический состав растения *Nitraria schoberi* L., распространенного на Южном Аралкуме, и биотехнология адаптации к среде сильного засоления в условиях *in vitro*..... 21

Amanova Guzal Ikromovna

Chemical composition of *Nitraria schoberi* L. plant, common in the Southern Aral Sea region, and biotechnology of adaptation to a highly saline environment *in vitro*..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 02/30.12.2019.К/В.37.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

АМАНОВА ГУЗАЛ ИКРОМОВНА

**ЖАНУБИЙ ОРОЛҚУМДА ТАРҚАЛГАН *NITRARIA SCHOVERI* L.
ЎСИМЛИГИНИНГ КИМЁВИЙ ТАРКИБИ ВА *IN VITRO* ШАРОИТИДА
КУЧЛИ ШЎРЛАНИШ МУҲИТИГА АДАПТАЦИЯЛАШ
БИОТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.10 – Биоорганик кимё

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.2.PhD/В588 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Биоорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.biochem.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим тармоғида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Зиявитдинов Жамолитдин Фазлитдинович кимё фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Кушиев Ҳабибжон Ҳожибобоевич биология фанлари доктори, профессор Гафуров Махмуджон Бакиевич кимё фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Тошкент кимё технология институти

Диссертация химояси Биоорганик кимё институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019. К/В.37.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «19» ноябрь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улугбек кўч., 83. Тел.: 71-262-35-40, факс: (99871) 262-70-63.


Диссертация билан Биоорганик кимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (257 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улугбек кўч., 83. Тел.: 71-262-35-40, факс: (99871) 262-70-63, e-mail: shsha@mail.ru).

Диссертация автореферати 2024 йил «12» ноябрь да таркатилди.

(2024 йил 12 ноябрь даги 1 рақамли реестр баённомаси.)




Ш. И. Салихов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик


Н. Р. Хашимова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.д., катта илмий ходим


М. Б. Гафуров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда сўнгги йилларда глобал экологик муаммолардан бири бўлган чўлланиш ва шўрланиш даражаси кескин ортиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида инсониятга, айниқса, ўсимликлар дунёси ҳамда қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларида қатор муаммолар кўламининг ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Шу боисдан, қурғоқчил ва шўрланиш даражаси юқори бўлган ҳудудларда ўсишга мослашган ўсимлик турларини аниқлаш, уларни кўпайтиришнинг биотехнологик йўллари ишлаб чиқиш, турли даражадаги шўрланишга мослашган навларни кўпайтириш ва стресс омилларга чидамлилиқ хусусиятларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда *Nitraria* туркуми турлари вакилларининг барг, мева ва уруғлари таркибида оқсил, пептид, аминокислота, витамин, стероллар, ёғ кислоталари, алкалоид, флавоноидлар каби кўпгина биологик фаол моддаларни аниқлашга оид илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, *Nitraria* нинг барг ва мевалари таркибидан яллиғланиш, гепатит, диабет, замбуруғ ва вирусларга қарши фаолликларни намоён қилувчи биологик фаол бирикмаларни аниқлаш ҳамда улар асосида биологик фаол қўшимчаларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда Орол денгизининг қуриган тубида тарқалган истиқболли ўсимликларни биокимёвий, биотехнологик, ва биоэкологик хусусиятларини ўрганиш, Оролбўйи ҳудудларини яшил маконга айлантириш каби инновацион тадқиқотларни олиб боришга алоҳида эътибор қаратилиб кўплаб юқори натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 23 ноябрдаги «Республикада яшиллик даражасини янада ошириш, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини изчил амалга ошириш орқали экологик барқарорликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»¹ ги ПФ-199-сон фармонида муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борадаги вазифаларни амалга оширишда Орол денгизининг қуриган Жанубий ҳудудларида тарқалган *Nitraria schoberi* ўсимлигининг кимёвий таркибини аниқлаш, улардан фаол компонентларни ажратиш ва скрининг қилиш, биотехнологик усуллар орқали *in vitro* шароитида културага киритиш, Оролқумнинг тузли тупроқларида ўсишга мослашган ўсимлик микронихолларини кўпайтириш ҳамда турли шўрланган тупроқ шароитларига мослашувчанлигини аниқлаш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 январдаги «2017-2021 йилларда Орол олди минтақасини ривожлантириш Давлат дастури тўғрисидаги» ги ПҚ-2731-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 январдаги «Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудудига айлантириш бўйича

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 23 ноябрдаги «Республикада яшиллик даражасини янада ошириш, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини изчил амалга ошириш орқали экологик барқарорликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»¹ ги ПФ-199-сон фармони

кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги 41-сон қарорининг 2-иловасида «2022-2026 йилларда Оролбўйи минтақасини комплекс ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишнинг устувор йўналишлари» юзасидан биологик хилма-хилликни, ўрмон хўжалиги ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни барқарор бошқариш, Орол денгизининг қуриган тубини ўрмонлаштириш ишларини давом эттириш каби белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация ишида олиб борилган тадқиқотлар муайян даражада хизмат қилади .

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг кўпгина илмий тадқиқот марказлари ва олий таълим муассасаларида *Nitraria* туркуми турларини ўрганиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Жумладан, Wu Zhou, H. Gao ва унинг ҳамкасблари томонидан макро-микроэлементлар, F. Zhang ва унинг ҳамкасблари томонидан витаминлар, M. Yusup ва ҳамкасблари томонидан аминокислоталар, Z. Raheleh ва унинг ҳамкасблари томонидан алкалоидлар, P. Wu ва унинг ҳаммуаллифлари томонидан проантоцианидинлар, Z. K., Feten, E.B. Банаев ва унинг ҳамкасблари томонидан кўплаб фенол моддалари мавжудлиги аниқланган. Z. Tatiana ва унинг ҳамкасблари томонидан *N.schoberi* ўсимлигининг тукли илдиз культураларидан олинган биологик фаол моддаларнинг вирусга қарши фаолликлари ўрганилган. Javad Sharifi-Rad ва унинг ҳаммуаллифлари томонидан мева, барг ва илдиз экстрактларининг антибактериал, антиоксидант, антифунгал ва яллиғланишга қарши таъсири ўрганилган. J. Boubaker ва унинг ҳамкасблари томонидан *N. retusa* баргларида олинган изорамнетин-3-О-робинобиозид - флавонол гликозиди инсоннинг сурункали мийлоген лейкомия хужайраларида антиоксидант ва антигенотоксик потенциалга эга доривор ўсимлик сифатида фойдаланиш мумкинлиги тавсия қилинган. Y.J. Zeng ва унинг ҳамкасблари томонидан лаборатория шароитида *N.tangutorum* ва *N.sibirica* уруғининг униб чиқиш биологияси ўрганилган. H. Guo ва унинг ҳамкасблари томонидан эса *in vitro* шароитида *N.sibirica* ва *N.tangutorum* турларини микроклонал кўпайтириш борасида қатор тадқиқотлар амалга оширилган.

Республикада ХХ асрнинг 60-йилларидан бошлаб академик С.Ю.Юнусов бошчилигида ЎзР ФА Ўсимлик моддалар кимёси институти олимлари томонидан Марказий Осиёда кенг тарқалган *N.schoberi*, *N.komarovii* ва *N.sibirica* турларининг алкалоидлари чуқур таҳлил қилинган ва кимёвий синтез усуллари ишлаб чиқилган. Биоорганик кимё институти профессори С.Г. Шеримбетов томонидан *N. schoberi* ўсимлигининг кимёвий таркиби ва биологик фаоллиги қисман ўрганилган. Оролнинг қуриган тубида янгидан шаклланган флорасини ўрганган Ботаника институти ходими Д.М. Тажетдинова ва ҳамкасблари томонидан мазкур турнинг тарқалишини акс

этирувчи хариталарни яратиш учун географик координаталар аниқланиб, ўсимлик намуналари билан гербарийлар коллекциялари тўлдирилган.

Таъкидлаш жоизки, шу кунга қадар Жанубий Оролқумда тарқалган *N. schoberi* ўсимлигининг биологик фаол моддаларини скрининг қилиш, *in vitro* усулида микроклонал кўпайтириш ҳамда Оролқумнинг кучли шўрланган тупроқларига мослашган микронихоллар олиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Биоорганик кимё институти Сабзавотлар ва ўсимликлар ҳужайра технологияси лабораториясининг «Орол денгизининг қуриган ҳудудларида тарқалган ўсимликларнинг тузга чидамлилиқ генларини тавсифлаш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси ҳамда А-ФА-2021-539 рақамли «Жанубий Оролқум ҳудуди экологик шароитига мослашган ўсимликларнинг ҳужайра технологияси асосида янги формаларини яратиш» (2021-2023 й.й) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Жанубий Оролқумда тарқалган *Nitraria schoberi* ўсимлигининг кимёвий таркибини аниқлаш, биологик фаол моддаларини скрининг қилиш, *in vitro* усулида микроклонал кўпайтириш ҳамда Оролқумнинг кучли шўрланган тупроқларига адаптацияланган микронихолларини олишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари: Жанубий Оролқумда тарқалган *N.schoberi* ўсимлигининг (илдиз, поя, барг, мева ва уруғлари) кимёвий таркибини (макро- ва микроэлементлар, умумий ва сувда эрувчан оқсиллар, эркин аминокислоталар, витамин, углевод) аниқлаш;

N.schoberi ўсимлигидан полифенол бирикмаларини ажратиб олиш, хромато-масс-спектометрик таҳлиллар ёрдамида уларнинг кимёвий тузилишини аниқлаш, полифеноллар йиғиндисининг биологик фаолликларини аниқлаш;

N. schoberi ўсимлигини *in vitro* культурасига киритишнинг энг мақбул стерилизация усули ва оптимал озуқа муҳитларини танлаш, стерил культуралар олиш ҳамда микроклонал кўпайтириш;

Оролқумнинг кучли шўрланган тупроқларидан сувда эрувчан тузларни ажратиб олиш, таркибини ўрганиш, ушбу тузларни озуқага қўшиш орқали ўсимлик ҳужайра ва тўқималарини ўстириш ҳамда шўрланган муҳитларга адаптацияланган *N. schoberi* микронихолларини кўпайтириш;

N. schoberi ўсимлигини *in vitro* шароитида кучли шўрланган муҳитларига мослаштириш фазаларида осмолитларнинг миқдорини қиёсий ўрганиш;

кучли шўрланиш шароитига адаптацияланган *N. schoberi* ниҳолларини *in vitro* шароитидан *ex vitro* шароитига олиб ўтиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Жанубий Оролқумда тарқалган *N. schoberi* ўсимлигининг ўсиш тупроғи, поя, барг, мева, уруғлари ҳамда *in vitro* шароитидаги микронихоллари олинган.

Тадқиқотнинг предмети ўсимликнинг макро- ва микроэлементлари, эркин аминокислоталари, витаминлари, углеводлари, полифеноллари, *in vitro* шароитида хужайра технологияси асосида кўпайтирилган микронихоллари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари: Диссертация ишини амалга оширишда физик-кимёвий (ЮССХ, нейтрон-активацион таҳлил, хромато-масс-спектрометрия, кукукли лазер дифракцияси), биотехнологик (*in vitro*, *ex vitro*) ва биологик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор *N.schoberi* илдизи ва вегетатив органлари таркибидан 37 та, тупроғи таркибидан 32 та кимёвий элементларнинг миқдори аниқланиб, ўсимлик барглари таркибидаги макро- микроэлементлар, умумий ва эрувчан оксиллар, эркин аминокислоталари шўрланиш даражаси юқори бўлган ҳудуд Жанубий Оролқумда, Устюрт ва Возрождение ороли намуналарига нисбатан ортганлиги ҳамда В₉ ва РР витаминлар, глюкоза, фруктоза каби углеводларга бой манба эканлиги аниқланган;

N. schoberi ўсимлигининг ер устки қисмидан полифеноллар йиғиндиси ажратиб олиниб, 19 та полифенол бирикмаси ҳамда улар орасида вирусларга қарши фаоллиги аввалдан маълум бўлган 3,6-бис-О-галлоил-1,2,4-три-О-галлоил-β-D-глюкоза, 2-бис-О-галлоил-1,3,4,6-тетра-О-галлоил-β-D-глюкоза ва 1,2,3,6-тетра-О-галлоил-β-D-глюкоза каби полифеноллар ҳам борлиги аниқланган;

N. schoberi ўсимлик уруғларининг лаборатория, дала ва *in vitro* шароитида унувчанлиги, унувчанликка таъсир қилувчи омиллар ҳамда уруғларини *in vitro* шароитида кўпайтиришнинг энг мақбул стериллаш усули, оптимал озуқа муҳити ҳамда уларнинг меъёрлари аниқланган;

Орол денгизи қуриган тубининг координаталари N43°53,721660', E58°48,034980' ва N44°08'18,6731", E58°52'17,2930" бўлган ҳудудлари тупроғидан сувда эрувчан тузлар ажратиб олиниб, ушбу тузларни *in vitro* шароитида озуқа муҳитига қўшиш орқали *N. schoberi* микронихоллари кучли шўрланиш муҳитига мослаштирилган ҳамда туз стресси таъсирида ўсимлик микронихоллари таркибидаги эркин пролин, аланин, метионин ҳамда АБК нинг миқдори ортганлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

N.schoberi турини географик координаталари аниқланиб ушбу нуқталар асосида Оролқум ҳудудларида *N.schoberi* популяциялари тарқалишини акс эттирувчи ҳарита яратилган;

N. schoberi микронихолларни *in vitro* шароитида кўпайтиришнинг самарали усулини ишлаб чиқиш натижасида DKW+6-БАП+НСК+ГК₃ (0.5; 0.5; 1 мг/л) гормонли озуқа муҳитида морфогенетик жиҳатдан оптимал кўрсаткичлар қайд этилган, каллус кластерларини яратиш орқали кучли шўрланган тупроқларда ўсишга мослашган микронихоллар олиш технологияси яратилган;

in vitro шароитида Оролқумнинг кучли шўрланган тупроқларида ўсишга мослашган *N. schoberi* микронихолларини *ex vitro* шароитига мослаштириш имкониятлари яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги анъанавий ва замонавий тадқиқот усуллар қўлланилганлиги, улар асосида олинган натижаларнинг назарий ва амалий мутаносиблиги, уларнинг етакчи ҳамда нуфузли илмий нашрларда чоп этилганлиги, республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, олинган маълумотларнинг статистик таҳлили замонавий дастурлар асосида ўтказилганлиги, амалий натижаларни ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги ҳамда амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти табиий шароитдаги *N.schoberi* ўсимлигининг кимёвий таркиби, у ўсган тупроқнинг минерал таркибига боғлиқ эканлиги аниқланиб, тупроқ таркибидаги кальцийнинг миқдоридан қатий назар ўсимлик метаболитик жараёнлар учун зарур бўладиган миқдорнигина, натрийни эса чекланмаган миқдорларда ўзлаштириши аниқланганлиги, *N.schoberi* ўсимлигининг кимёвий таркибини (макро- ва микроэлементлар, эркин аминокислоталар, умумий оқсил, витамин, углевод, полифеноллар миқдори ва таркибини) ўрганиш жараёнида таҳлил услубиётлари такомиллаштирилганлиги ва ўсимлик уруғларини ҳужайра технологияси асосида культурага киритиш ва *in vitro* кўпайтириш, Жанубий Оролқумнинг турли шўрланган тупроқларидан ажратиб олинган тузларни озуқа муҳитга қўшиш орқали ҳужайра ва тўқималарини ўстиришнинг энг мақбул усуллари оптималлаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, Жанубий Оролқумда тарқалган *N. schoberi* турининг биокимёвий жиҳатдан бой таркибга эга эканлиги истиқболли ресурс база сифатида кўпайтиришни тақазо этади. Оролқумнинг шўрланган тупроқларидан ажратиб олинган тузлардан фойдаланиб *N. schoberi* ўсимлигини *in vitro* шароитида культурага киритиш, кучли шўрланиш муҳитига мослаштириш ҳамда *ex vitro* шароитига олиб ўтиш, Оролқумнинг турли шўрланган тупроқларига тўлиқ адаптацияланган кўчатлик биоматериаллари кўчма қум ва шўрхоқларни мустаҳкамловчи, сувсизлик ҳамда иқлим ўзгаришларига чидамли бўлган истиқболли тур сифатида Орол денгизининг қуриган тубида ўрмонлар барпо қилишга, химоя ўрмонзорлар майдонларини кенгайтиришга ва чўл ўрмончилигини ривожлантиришда плантациялар ташкил қилишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. *N. schoberi* ўсимлигини кимёвий таркиби ва *in vitro* шароитида кучли шўрланиш муҳитига адаптациялаш биотехнологияси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Оролқумнинг кучли шўрланган тупроқларида ўсишга мослаштирилган кўчатлик биоматериалларини кўпайтириш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтига жорий қилинган (Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Қорақалпоғистон

Республикаси ҳудудий бошқармасининг 2024 йил 19 январдаги № ВК-03-87-сонли маълумотномаси). Натижада, *N. schoberi* кўчатларини Оролқум ҳудудларига экиш орқали бирламчи плантациялар ташкил қилиш имконини берган;

N. schoberi кўчатлари Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги Мўйноқ тумани бўлими амалиётига жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги кўмитасининг 2024 йил 25 майдаги 1-386-сонли маълумотномаси). Натижада, Орол денгизининг қуриган тубида чўл ўрмончилигини ривожлантириш ва ҳимоя ўрмонзорлар майдонларини кенгайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 23 та республика илмий амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 35 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертация асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан 3 та хорижий ва 6 та республика журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва 26 та иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 124 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги, мақсад ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқотнинг объекти ва предметлари ифодаланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **“*Nitraria L.* туркуми турлари ва уларнинг биологик тавсифи, тарқалиш ареали, кимёвий таркиби ва биотехнологик тадқиқотлари”** (адабиётлар шарҳи) деб номланган биринчи бобида *Nitraria L.* туркуми турларининг филогенияси, хорологияси ва биологияси, туркум турлари уруғларидаги оқсил, ёғ, углевод, витамин, макро- ва микроэлемент миқдорлари, аминокислоталар таркиби, уларнинг биологик фаолликлари ҳамда ўсимликни сақлаш ва кўпайтиришда биотехнологик ёндашувларга доир замонавий тадқиқот натижалари батафсил таҳлил қилинган.

Диссертациянинг иккинчи **«*Nitraria schoberi* ўсимлигини кимёвий таркибини тадқиқ қилиш усуллари ва шўрга чидамлилигини оширишда биотехнологик ёндашувлар»** бобида тадқиқот объектлари, фойдаланилган жиҳозлар, макро- ва микроэлементлар, оқсиллар, эркин аминокислоталар, витаминлар, углеводлар, фитогормонлар ва полифенолларнинг сифат ва миқдорий таҳлили, полифенолларнинг биологик фаоллигини аниқлаш, *N.*


schoberi ўсимлиги уруғларини стериллаш, унувчанлигини аниқлаш, *in vitro* шароитида кўпайтириш, туз стрессига мослаштириш ҳамда натижаларнинг статистик таҳлили усуллари келтирилган.

Диссертациянинг “Жанубий Оролқум ҳудудларидаги *Nitraria schoberi* L. ўсимлик тури ва тупроқ намуналарининг кимёвий элементлар таркиби” (Олинган натижалар ва уларнинг муҳокамаси) деб номланган учинчи бобида ўтказилган тадқиқот натижалари келтирилган ва муҳокама қилинган. *N. schoberi* ўсимлиги тарқалган Жанубий Оролқум ҳудудларининг табиий географик ўрни ўрганилди ҳамда ушбу тур популяциялари тарқалишини акс эттирувчи харита яратилган.

Жанубий Оролқум ҳудудларида тарқалган *N.schoberi* ўсимлигининг илдизи ва ўсиш тупроғи таркибидаги кимёвий элементлар миқдори ЎЗР ФА Ядро физика институтида нейтрон-активацион таҳлили усулида амалга оширилди. Натижада тупроқнинг турли қатламларида 32 та, илдизида 37 та макро- ва микроэлементлар аниқланиб, барча намуналари таркибида макроэлементлардан К, Са, Na, Fe, ва Cl, микроэлементлардан Mn, Sr, Ba, Cr ва Zn нинг миқдори юқори эканлиги ҳамда Mo, Re, Hg, Se ва Cd каби элементлар фақат илдиз таркибида мавжудлиги кўрсатилди. Илдиз ва тупроқ намуналар таркибида кескин фарқланадиган элементлар миқдорлари 1 – расмда келтирилган.



Жанубий Оролқум, Устюрт ва Возрождение ороли ҳудудларидан йиғилган ўсимликнинг поя, барг ва меваларида жами 37 та элементлар мавжудлиги аниқланиб, уларнинг миқдорлари ҳудудлар кесимида фарқланиши кўрсатилди. Ҳудудлар кесимида ўсимлик барглари таркибида кескин фарқланган элементлар миқдорлари 2 – расмда келтирилган.



Худудлар кесимида асосан Жанубий Оролқумда ўсадиган *N.schoberi* ўсимлиги таркиби нисбатан минерал элементларга бой эканлиги кўрсатилди.

Олинган натижалардан Жанубий Оролқумдан йиғиб олинган *N. schoberi* ўсимлиги пояларида бошқа худуд намуналарига нисбатан макроэлементлардан Са ва Fe, микро- ва ультрамикроэлементлардан (Cs, Ba, Cr, Co, Ni, La, Ce, Sm, Yb) кўп миқдорда, энг кам миқдорда эса Мо-0.59, Sb-0.001 ва Re-0.001 мкг/кг аниқланди. Баргларида макроэлементлар, микро-ва ультрамикроэлементлар Rb, Sr, Cr, Co, Mn, Ni, Cu, Zn, Hg, Th, La, Ce, Sm ва Sc миқдори Устюрт ва Возрождение ороли намуналарига нисбатан юқори эканлиги аниқланди.

Орол денгизи қуриган тубининг координаталари N43°53,721660', E58°48,034980' (ўсимлик ўсадиган – Т-7) ва N44°08'18,6731", E58°52'17,2930" (ўсимлик ўсмайдиган – Т-11) бўлган худудлардан олинган тупроқ намуналари таркибидаги сувда эрийдиган тузлар ажратиб олинди. Тузларнинг тупроқдаги миқдори Т-7 учун 2.07%, Т-11 учун эса 3.56% ни ташкил қилди. Ажратиб олинган тузларнинг кимёвий таркибини идентификациялаш XRD-6100 қурилмасида (Shimadzu, Япония) куқунли рентген диффрактометри ёрдамида аниқланди. Тадқиқотлар Биоорганик кимё институтининг катта илмий ходими Ш.Т.Хожиев билан ҳамкорликда амалга оширилди.

1-жадвал

Жанубий Оролқум тупроқларининг сувда эрувчан тузлари таркиби

Тузнинг номи	Формуласи	Миқдори (%)	
		Т-7	Т-11
Натрий хлорид	NaCl	10.4	50.4
Кальций нитрат дигидрат	Ca(NO ₃) ₂ (H ₂ O) ₂	66.1	15.2
Кальций карбонат (арагонит)	CaCO ₃	14.8	13.9
Кальций сульфат дигидрат (гипс)	CaSO ₄ ·2H ₂ O	-	10.7
Полиалюминий хлорид сульфат	Al _a (OH) _b Cl _c (SO ₄) _d ,	1.2	6.0
шабазит натрий	(Na ₂ ,K ₂ ,Ca,Mg)[Al ₂ Si ₄ O ₁₂]·6H ₂ O	0.5	2.2
Калий хлорид	KCl	5.6	-
идентифицияланмади		5.5	18.0

Таркиблари аниқланган тузлардан *N.schoberi* ўсимлигини кучли шўрланиш шароитига мослаштириш бўйича олиб борилган кейинги тадқиқотларда фойдаланилди.


Диссертация ишининг **“*Nitraria schoberi* L. ўсимлигининг биокимёвий таҳлили ва таркибидаги ҳаётий муҳим биологик фаол моддалари**” деб номланган тўртинчи бобида Орол денгизининг қуриган Жанубий худуди иқлим шароитларига мослашган *N.schoberi* ўсимлигининг нутриент таркибларини ўрганиш натижалари келтирилган.

Ўсимликнинг ер устки қисмларидаги умумий оқсил миқдори Къельдал усулида, сувда эрувчан оқсиллар миқдори эса Лоури усулида аниқланди. Натижада Жанубий Оролқум худуди намуналари уруғлари таркибидаги умумий оқсил 27.41% ни ташкил қилди ва бу кўрсаткич Устюрт ҳамда Возрождение ороли намуналарига нисбатан юқори эканлигини кўрсатди. Жанубий Оролқум худуди ўсимлиги баргларида умумий 6.74% оқсил бўлиб,

Возрождение Ороли намуналарига нисбатан 2, Устюрт намуналаридагига нисбатан 2,5 баробар кўп эканлиги аниқланди. Сувда эрувчан оксиллари Жанубий Оролқум худудидан йиғилган *N. schoberi* уруғлари таркибида 0.80%, Устюрт уруғларида 0.51% ва Возрождения ороли уруғларида эса 0.44 % ни ташкил этди. Жанубий Оролқум, Устюрт, Возрождение ороли худудларида ўсган *N. schoberi* ўсимлигининг поя ва барг намуналарининг эркин аминокислоталари миқдори ЮССХ усулида аниқланди.

N. schoberi ўсимлигида 10 та алмашинмайдиган аминокислоталар аниқланиб, треониннинг миқдори 0,15-0,69, аргинин 0,60-2,26, валин 0,31-1,33, метионин 0,1-0,99, изoleyцин 0,15-1,19, лейцин 0,21-1,09, гистидин 0,07- 4,35, триптофан 0,16- 5,94, фенилаланин 0,08-13,67 ва лизин 0,07-0,48 мг/г оралиғида бўлиши аниқланди. Алмашинадиган аминокислоталардан глицин ва аспарагин миқдори энг кўп Возрождение ороли намуналарда (2,06-2,08 мг/г), энг ками эса Жанубий Оролқум намуналарида (0,28-0,28 мг/г), пролин миқдори энг кўп Устюрт намуналарида (10,43-8,07 мг/г), энг кам Возрождение ороли намуналарида (0,13мг/г), цистеин энг кўп Жанубий Оролқум намуналарида (1,73 мг/г), энг кам Возрождение ороли намуналарида (0,51 мг/г) аниқланди.

Олиб борилган қиёсий таҳлил натижаларида *N.schoberi* ўсимлигининг поясига нисбатан барглари таркибидаги аминокислоталарнинг миқдори юқори, шунингдек аминокислоталарнинг умумий миқдори энг кўп Жанубий Оролқумдан йиғилган ўсимлик баргларида 39,35 мг/г эканлиги кўрсатилди (3-расм).



3-расм. *N.schoberi* ўсимлигининг барглари таркибидаги эркин аминокислоталарнинг миқдори
 ЖО – Жанубий Оролқум; У – Устюрт ; ВО – Возрождение ороли

Шундай қилиб ўрганилган *N.schoberi* ўсимлигининг Жанубий Оролқумда ўсадиган популяциялари таркиби нисбатан микронутриентларга бой эканлиги сабабли кейинги тадқиқотлар ушбу худуд ўсимликларида олиб борилди.

N. schoberi ўсимлигининг поя, барг, мева ва уруғлари таркибидаги сувда эрувчан витаминлари миқдори ЮССХ усулида аниқланди. Олинган натижалардан тадқиқ этилаётган *N. schoberi* ўсимлигининг ер устки қисмлари таркибида аскорбин кислотаси, В₁, В₂, В₆, В₉ ва РР витаминларларнинг мавжудлиги, В₉ ва РР витаминлари бошқа витаминларга қараганда анча юқори эканлиги кўрсатилди. *N.schoberi* ўсимлигининг поя, барг, мева ва уруғлари таркибидаги углеводлари ЮССХ усулида амалга оширилди. Олинган натижалардан *N. schoberi* намуналари таркибидаги углеводлари орасида фруктозанинг энг кўп миқдори меваларида бўлиб

(11.98%), уруғларига нисбатан деярли 2 марта юқори эканлиги аниқланди. Ўсимлик баргларида углеводларнинг умумий миқдори 5.29% ни ташкил қилиб, унинг ярми (2.66%) глюкозадан иборат эканлиги, пояларида фруктоза 1.19%, глюкоза 0.1%, сахароза 0.01% ва мальтоза 0.14% миқдорда аниқланиб, уларнинг умумий миқдори 1.44% ни ташкил қилди. Ўсимлик уруғларида фруктоза миқдори 6.16%, глюкоза эса 1.66% эканлиги аниқланиб, умумий миқдор 7.82% ни ташкил қилди.

N. schoberi ўсимлигининг поя-барг ва мева-уруғ намуналаридан полифеноллар йиғиндиси ажратиб олинди. Уларнинг чиқиш унуми мос равишда 0.5 ва 0.2% ни ташкил қилди. Олинган фракцияларнинг таркиби ЮССХ усулида аниқланди ва 20 га яқин компонентлардан иборат эканлиги кўрсатилди. Олинган натижалар 2–жадвалда келтирилган.

2 – жадвал

N. schoberi ўсимлигининг ер устки қисмининг фенол бирикмалари

№	Модда номи	Брутто формула	М.м	Масс -спектрдаги қийматлар				
				[M-H] ⁻		Фрагментар сигналлар		
				m/z (%)				
1	Кверцетин-3-О-(6"-ацетат-галлактозид)-7-О-рамнозид	C ₂₉ H ₃₂ O ₁₇	652.55	651.7157 (12)	608.56 (43)	592.59 (10)	476.42 (25)	329.27 (100)
2	Петинидин-3-О-(6"-кумароил-глюкозид)	C ₃₁ H ₂₉ O ₁₃	610.52	609.4776 (16)	462.5(65)	324.3 (35)	292.6 (10)	146.1 (100)
3	Кверцетин 3-О-галлактозид	C ₂₁ H ₂₀ O ₁₂	464.38	463.3348 (15)	300.4(50)	284.3 (100)	178.4 (10)	
4	Петинидин-3-О-глюкозид	C ₂₂ H ₂₃ O ₁₁	463.41	462.5573 (17)	299.6 (100)	283.7 (15)	269.5 (45)	
5	Изорамнетин-3-О-галлактозид-7-О-рамнозид	C ₂₈ H ₃₂ O ₁₆	624.5	623.4644 (21)	608.5(51)	476.6 (35)	297.4 (17)	284.3 (100)
6	6-метоксилутиолин	C ₁₆ H ₁₂ O ₇	316.2	315.2083 (45)	300.22 (100)	284.3 (15)		
7	3,6-бис-О-галлоил-1,2,4-три-О-галлоил-β-D-глюкоза	C ₅₅ H ₄₀ O ₃₄	1244	1243.4365 (10)	1091.8(5)	939.4 (100)	769.13 (45)	169.01 (38)
8	2-бис-О-галлоил-1,3,4,6-тетра-О-галлоил-β-D-глюкоза	C ₄₈ H ₃₆ O ₃₀	1092	1091.1204 (10)	939.4(45)	769.13 (100)	447.03 (27)	169.01 (35)
9	1,2,3,6-тетра-О-галлоил-β-D-глюкоза	C ₃₄ H ₂₈ O ₂₂	788	787,4128 (15)	635,73 (67)	465,13 (47)	313.02 (30)	169.01 (100)
10	Галл кислотаси	C ₇ H ₆ O ₅	170,12	169,0(100)	152,2(25)			
11	Лютеолин-7-О-глюкуронид	C ₂₁ H ₁₈ O ₁₂	462.36	461,5139(12)	416.3(47)	284.2 (100)	268.3 (30)	
12	кемпферол-3-О-ацетат-галлактозид	C ₂₃ H ₂₂ O ₁₂	490.4	489.5587 (25)	446.36 (100)	430.3 (42)	284.4 (22)	220.1 (12)
13	Ларицирезинол-сесквилиньян	C ₃₀ H ₃₆ O ₁₀	556.6	555,5550 (12)	462.56 (32)	358.6 (56)	296.5 (40)	196.2 (100)
14	Кемпферол-3-О-рамнозид	C ₂₁ H ₂₀ O ₁₀	432.3	431,5227 (35)	284.25 (100)	268.2 (15)		
15	5-галлоилхинон кислотаси	C ₁₄ H ₁₆ O ₁₀	344.27	343.2762 (14)	191,15 (45)	175,2 (35)	169,03 (100)	152,0 (10)
16	3-гидроксифлоретин ксилозил-глюкозид 2'-О-	C ₂₆ H ₃₂ O ₁₅	584.5	583.5012 (18)	450.38 (35)	434.3 (40)	305.6 (10)	289.4 (100)
17	3-р-кумароилхинонон кислотаси	C ₁₆ H ₁₈ O ₈	338.3	337.2748 (10)	292.3 (60)	218 (35)	190 (100)	118 (52)
18	Изорамнетин-3-О-рутинозид	C ₂₈ H ₃₂ O ₁₆	624,5	623.4646 (21)	608.5 (15)	476.6 (35)	314.4 (55)	298.5 (100)
19	Генестеин 7 –О-β-D-глюкозид	C ₂₁ H ₂₀ O ₁₀	432.4	341,3721 (30)	268.3 (100)	252.5 (25)		

Полифенолларнинг идентификацияси Agilent Technologies LC/MS/MS Q-TOF 6420В қурилмасида олиб борилди. Полифенолларни масс-спектрларини таҳлил қилишда аввал уларнинг МС ва МС/МС – спектрлари адабиётларда маълум бўлган полифеноллар спектрлари билан солиштирилди ҳамда идентификация жараёнида қуйидаги умумий маълумотлар базаларида моддаларнинг спектрлари сканердан ўтказилди: ChemSpider (<http://www.chemspider.com>), SciFinderScholar (<https://scifinder.cas.org>), Маълумотлар базаси KeggLigand (<http://www.genome.jp/kegg/ligand.html>) ва Phenol-Explorer (www.phenol-explorer.eu). Идентификацияланган полифеноллар таркибида SARS-CoV-2 вирусининг 3CL протеаза ва РНКга боғлиқ РНК полимераза ингибитори эканлиги тасдиқланган галлотанинлар - 3,6-бис-О-галлоил-1,2,4-три-О-галлоил-β-D-глюкоза, 2-бис-О-галлоил-1,3,4,6-тетра-О-галлоил-β-D-глюкоза ва 1,2,3,6-тетрагаллоилглюкоза мавжудлиги кўрсатилди.

N. schoberi ўсимлигидан ажратиб олинган умумий полифенолларнинг антиоксидант фаолликлари 2,2-дифенил-1-пикрилгидразил (ДФПГ) эркин радикалини сўндиришини аниқлаш усулида олиб борилди. Олинган натижалардан *N. schoberi* мева-уруғ полифенолларнинг IC₅₀ қиймат 7,5 мкг, поя-барг полифеноллар учун эса 6,4 мкг тенг эканлиги кўрсатилди.

N. schoberi полифенолларининг антибиотик потенциалини аниқлашда *Bacillus subtilis*, *Escherichia coli*, *Pseudomonas aeruginosa*, *Staphylococcus aureus* ва *Candida albicans* бактерияларини канамицинга солиштирган ҳолда ЎЗР ФА Микробиология институти ходимлари билан ҳамкорликда амалга оширилди. Олинган натижалардан *N. schoberi* ўсимлигидан ажратилган умумий полифеноллар микроорганизмларнинг ўсиш ва ривожланишларига (15–20 мм гача) таъсир қилиши аниқланди ҳамда *Bacillus subtilis* бактериясига таъсири самарали эканлиги кўрсатилди.

Полифенолларининг антифунгал фаолликлари *Bipolaris sorokiniana*, *Alternaria tenuissima*, *Alternaria alternate*, *Fusarium oxysporium* каби замбуруғларидан фойдаланган ҳолда ЎЗР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти ходимлари билан ҳамкорликда амалга оширилди. Олинган натижалардан *N. schoberi* ўсимлигидан ажратиб олинган умумий полифеноллари *B. sorokiniana*, *A. tenuissima*, *A. alternate*, *F. oxysporium* каби замбуруғларининг ўсиши ва ривожланишини 5,0 -25,3 мм гача тўхтатганлиги аниқланди.

Диссертация ишининг “***Nitraria schoberi* L. ўсимлигини кўпайтириш ва шўрланган тупроқ-шароитга мослаштиришда биотехнологик ёндашувлар**” деб номланган бешинчи бобида дастлаб *N. schoberi* L. ўсимлиги уруғларининг лаборатория, дала ва *in vitro* шароитида унувчанликлари ўрганилди. Тадқиқотларда дастлаб уруғнинг сифатини аниқлаш, унувчанлик қобиляти, униш энергияси, унишнинг давомийлиги каби бир қанча параметрлари аниқланди.

Лаборатория шароитида унувчанлик 1, 2 ва 5 йиллик уруғларда ўрганилди. Натижада *N. schoberi* уруғларининг унувчанлиги 5 йил сақланган уруғларда 39.0±0,57% ни, унувчанлик давомийлиги 28-30 кун, 2 йил муддат

ушланган уруғларда $76.0 \pm 0,74$ % ни ва давомийлик 28 кун, 1 йиллик уруғларда $83 \pm 0,32$ % ни ташкил этиб, унувчанлик 21 кун давом этди. Олинган натижалардан *N. schoberi* ўсимлигининг 1 йиллик уруғлари энг мақбул биологик хусусиятларга эга эканлиги аниқланди ва дала шароитидаги тадқиқотларда 1 йиллик уруғлардан фойдаланилди.

Тажрибанинг дастлабки ҳафтасида, яъни 7 кунда ўсимлик уруғларининг униб чиқиши 5.31 ± 0.03 % ни ташкил қилиб, 14 - кунга келиб бу кўрсаткич 11.83 ± 0.27 % ни, 21 кунда 15.68 ± 0.15 % ни, 28 кунда 16.18 ± 0.19 % ни, 35-40 кунлар оралиғида эса 20.6 ± 0.24 % ни ташкил қилди. Натижада *N. schoberi* уруғларининг дала шароитидаги унувчанлиги 69.6 ± 0.28 % ни ташкил қилди. *N. schoberi* ўсимлигидан *in vitro* шароитида патогенсиз микроиҳоллар олиш ва уларни кўпайтириш мақсадида уруғлар олдин 21 кун -20° С ҳароратда сақланиб, стратификация жараёнидан ўтказилди ва стерилизация қилинди. *N. schoberi* уруғлари турли усулларда (24 ва 48 соат давомида сув, ГК₃ нинг 0,02% эритмаларида ивитиш) скарификация қилиниб, Murashige Skoog (MS), Driver & Kuniyuki (DKW) ва DKW+2 г/л фаол кўмир (сахароза 30 г/л, агар 7,5 г/л, рН 5,6–5,8) таркибли озуқа муҳитларига экилди (3-жадвал).

3-жадвал.

N. schoberi уруғларининг DKW+2 г/л фаол кўмир билан бойитилган муҳитдаги унувчанлик кўрсаткичлари (n=100)

Вариантлар	Вақт (кунлар)				Умумий %
	7	14	21	28	
назорат	$7,0 \pm 0.19$	$12,1 \pm 0.31$	$21,15 \pm 0.25$	$14,0 \pm 0.26$	$54,0 \pm 0.50$
24 соат сувда	$31,2 \pm 0.41$	$35,2 \pm 0.29$	$15,17 \pm 0.35$	0	$81,2 \pm 0.27$
48 соат сувда	$33,1 \pm 0.54$	$38,0 \pm 0.41$	$16,0 \pm 0.36$	0	$87,0 \pm 0.11$
24 соат 0,02% ГК ₃	$68,0 \pm 0.22$	$21,05 \pm 0.29$	$2,0 \pm 0.19$	0	$91,03 \pm 0.64$
48 соат 0,02% ГК ₃	$71,0 \pm 0.50$	$25,0 \pm 0.40$	0	0	$96,0 \pm 0.22$


3- жадвалдан кўриш мумкинки, *N. schoberi* уруғларини ГК₃ нинг 0,02% эритмаларида 48 соат давомида ивитиш ҳамда DKW+2 г/л фаол кўмир билан бойитилган озуқага экиш орқали мақбул унувчанлик $96,0 \pm 0.22$ % бўлиши аниқланди.

Уруғларидан униб чиққан *N. schoberi* микроиҳоллари гормонсиз DKW озуқа муҳитига бирламчи культивирланди ва уларнинг морфо-биологик таҳлили амалга оширилди. Олинган натижалардан *N. schoberi* ниҳолларида новда, барг ҳамда илдиз тизимининг ўсиш ва ривожланиш фазаларининг жадаллашуви кузатилди, тўлиқ ривожланган регенерант микроқаламчалар олинди.

N. schoberi микроиҳоллари DKW озуқа муҳитига 6-БАП +НСК + ГК₃ (0.5: 0.5 :1 мг/л) кўшилган гормонли муҳитига культивирлаш натижада унинг ўсиши, янги барглари ҳосил бўлиши 1.5-2 бароварга ошди, 30 кунлик микроиҳолларда 15 дан ортиқ янги новдалар пайдо бўлиши ва улардан 40-45 тагача қаламча олишга эришилгани қўлланилган озуқа муҳити *N. schoberi* тури учун энг мақбул эканлигини кўрсатди.

N. schoberi ўсимлигидан каллус тўқималарини олиш мақсадида 2,4-дихлорфиноксисирка кислотанинг (2,4-Д) 0.5, 1 ва 2 мг/л гормонли муҳитларида тажрибалар олиб борилди. Натижада *N. schoberi* баргларида каллус пайдо бўлиши ва ривожланиши учун энг мақбул шароит DKW озуқа муҳитига 2,4-Д гормонинг 0,5 мг/л да қўшиш эканлиги аниқланди.

N. schoberi ўсимлиги *in vitro* шароитида стресс факторга мослаштириб бориш мақсадида 50 mM дан 300 mM гача NaCl қўшилган DKW+2,4-Д+6-БАП (0.5: 0.5 мг/л) гормонли муҳитда каллус тўқималарини олиш схемаси ишлаб чиқилди. Натижада 200 mM NaCl қўшилган озуқа энг мақбул эканлиги аниқланди. *N. schoberi* каллус тўқималаридан тўлиқ регенерант ўсимлик олиш учун фитогормонлар қўшилган турли вариантдаги озуқа муҳитларида тажриба ўтказилди ва энг мақбул озуқа DKW+6-БАП +Кин +ИМК (0.5: 0.5 : 0.1 мг/л) + NaCl 200 mM эканлиги аниқланиб, 89.3±0.6% регенерант ўсимликлар олинди (4-расм).



4-расм. *N.schoberi* ўсимлигининг каллус тўқималаридан регенерант ўсимликлар олиш технологияси. а) каллус тўқималари; б) илк регенерантлар; в) 2 ҳафталик; г) 4- 6 ҳафталик регенерантлар ва д)қайта культураланган ва босқичма босқич тўлиқ ривожланган микронихоллар

Каллус тўқимасидан олинган микронихолларини шўрланишга мослаштириш мақсадида 50 mM дан 900 mM гача NaCl қўшилган озуқа муҳитларига ўтказилганда 50 mM дан 300 mM гача NaCl қўшилган озуқа муҳитларидаги 60 кунлик микронихолларнинг назоратга нисбатан сезларли даражада яхши ривожланганлиги (мақбули 200 mM), 400 ва 500 mM ли озуқа муҳитида назорат билан деярли бир хил, 600-800 mM NaCl да эса ривожланиш ёмонлашиб, 900 mM даги микронихоллар нобуд бўлганлиги аниқланди. Натижада, илк бор *N.schoberi* микронихолларнинг NaCl билан зарарланиш чегараси 800 mM, NaCl ли муҳитда ривожланишнинг энг мақбул чегараси 200 mM эканлиги аниқланди.


Оролининг қуриган туби Т-7 ва Т-11 ҳудуди тупроқ намуналаридан ажратиб олинган тузларни мос равишда 2.07% ва 3.56% қўшиб озуқа муҳити тайёрланди ва 200 mM даги микронихолларни кучли шўрланиш муҳитига адаптациялаш бўйича тажрибалар олиб борилди.

Олинган натижалардан *in vitro* шароитидаги микронихолларнинг ўсиш ва ривожланиш хусусиятлари такрорий экиш натижасида Т-7 ва Т-11 ҳудуди тузлари қўшилган озуқа муҳитларига тобора мослашиб, назоратдаги ўсимликларга тенглашаётганлиги аниқланди. Натижада Т-7 ва Т-11 ҳудуди тузлари қўшилган озуқа муҳитида ўстирилган *N. schoberi* ўсимлиги *ex vitro* тажрибалари учун адаптацияланган микронихолларини олиш имконини берди (4-жадвал).

Кучли шўрланган озуқа муҳитларидаги *N. schoberi* ўсимлигининг ҳолати

Эксплантлари	15 кунлик		30 кунлик		45 кунлик		60 кунлик	
	Узунлик (см)							
	бўйи	илдизи	бўйи	илдизи	бўйи	илдизи	бўйи	илдизи
*Назорат	2.7±0.29	0.7±0.20	3.7±0.24	7.3±0.85	4.6±0.37	9±0.90	6.5±0.36	10±1.47
Т-7 тузи қўшилган озуқа муҳитида								
1-эксплант	1.73±0.20	0	2.13±0.12	8.8±1.13	2.26±0.22	17.6±1.87	2.56±0.32	23.6±0.9
